

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

Миллий театр – эзгулик маскани

(Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига)

Адабиётларнинг библиографик кўрсаткичи

ТОШКЕНТ - 2014

СЎЗБОШИ

Ўзбек Миллий академик драма театри – Ўзбекистонда янги сахна санъатини шаклланиши ва ривожланишига қарвонбошилиқ қилган театр жамоаси, энг кекса ва йирик театрлардан ҳисобланади. Театр 1913 йил Тошкентда ташкил топилган бўлиб, 1914 йилнинг 27 февралда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» асари билан очилган (жадидларнинг «Турон» номли театр труппаси спектакли). Труппанинг бадиий раҳбари Абдулла Авлоний, маънавий ва моддий ҳомийларни Мунавварқори Абдурашидхонов сингари Тошкентнинг мўътабар кишилари ташкил этган. Ижрочи кучлар Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, Шокиржон Раҳимий, Муҳаммадjonқори Пошшахўжаев, Фузаил Жонбоев, Ҳасанқори, Самеъқори Зиёбоев, Қудратилла Юнусий сингари 24 кишидан иборат бўлган. Труппада «Тўй» (Н.Қудратилла), «Бахтсиз куёв» (А.Қодирий), «Адвокатлик осонми?» (А.Авлоний), «Мазлума хотин» (Ҳ.Муин), «Пинак», «Ўликлар» (М.Қулизода) сингари асарлар сахналаштирилган. 1918 йил «Турон» труппаси давлат ихтиёрига олиниб, унга «давлат театри» мақоми берилди. Бадиий раҳбари ва режиссёри этиб Маннон Уйғур тайинланди.

1918-21 йиллар Уйғур, Ғулом Зафарий, Бадриддин Аъламовлар бошчилигидаги Аброр Ҳидоят, Абдурахмон Акбаров, Фатхулла Умаров, Карим Ёқубов, Шокир Нажмиддинов, Музаффар Муҳамедов, Маҳсума Қориева, Ятим Бобожонов, Обид Жалилов, Сайфи Олимов, Босит Қориев сингари театр келажакига йўл очган актёрлар репертуарини таъминлаган Абдурауф Фитрат, Ғози Юнус, Чўлпон, Хуршид ва бошқалар драматургларнинг хизматлари катта. «Фанний уй» (Уйғур), «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси», «Иффат қурбонлари» (Ҳамза), «Ёмон ўғил», «Эрк болалари» (Ғ.Зафарий),

«Захокки марон» (Ғ.Юнус), «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари» (Фитрат), «Ёркиной», «Халил фаранг» (Чўлпон) ва бошқалар театр репертуаридан ўрин олди. Театр сахнасида драма, мусиқали драма, болалар театри йўналишлари вужудга келади. Бу жараён 1929 йил театрдан драма, мусиқали драма, ёш томошабинлар давлат театрлари ажралиб чиқиши билан якунланди.

1920 йил сахналаштирилган «Ҳалима» (Ғ.Зафарий) номли мусиқали драма спектакли сахна ижрочилигида профессионализм ва томошавийликни таъминлади. 1921-25 йиллар давомида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» (Хуршид), «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат» (Ф.Шиллер) сингари драма, мусиқали драма, фожиа жанрларига оид асарлар сахналаштирилди. Бу спектакллардаги образлар талқини, режиссурадаги синчковлик амаллари театр жамоасини реализм ва профессионализм йўлига сафарбар этди. 1924 йил Москвада очилган Ўзбек драма студиясига М.Уйғур ва Чўлпон бошчилигида А.Ҳидоят, М.Муҳамедов, О.Жалилов, Т.Султонова, Л.Назруллаев, С.Табибуллаев, Ш.Қаюмов, Ҳ.Латипов, Ғ.Исомов, Ҳ.Раҳматуллаев сингари 24 киши билим ва маҳоратини оширишга юборилади. Сайфи Олимов бошчилигидаги бошқа бир гуруҳ Боку театр техникумига ўқишга жўнатилади. Мазкур тадбир жаҳоннинг етук театрлари тажрибасини амалда яқиндан ўрганиб, ўз ижро маҳоратини тоблашда муҳим босқич бўлди.

Студиячилар Москвадан қайтгач, театр жамоаси қайта тузилиб, унга Сайфи Олимов бошлиқ, Боку театр техникуминини битириб келган Ҳалима Носирова, Зухур Қобилов, Карим Ёқубов, Раҳимберди Бобожонов, шунингдек, ёшлардан Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Карим Зокиров, Шоҳида Маъзумовалар кўшиладилар. 1927-30 йиллар «Арслон», «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин» каби спектакллар

сахналаштирилди. Театрга 1929 йил Ҳамза номи, 1933 йил «академик драма театри» мақоми берилди. 1935 йил Уйғур сахналаштирган «Ҳамлет», «Отелло» (1941, А.Ладигин билан ҳамкорликда), 1939 йил Я.Бобожонов сахналаштирган «Бой ила хизматчи» спектакллари режиссура ва ижрода бадиёт намунаси сифатида қайд этилган. Айни пайтда «Номус ва муҳаббат», «Пахта шумғиялари», «Никоб йиртилди» каби спектакллар сахна юзини кўрди. Жаҳон ва миллий мумтоз асарларга мурожаат этиш билан театр ўз мавқеини янада мустаҳкамлади: «Кўзибулоқ қишлоғи», «Меҳмонхона бекаси», «Ревизор», «Макр ва муҳаббат», «Ҳамлет», «Бой ила хизматчи», «Отелло» ва бошқалар.

30-йилларда театрда сахналаштирилган кўпгина асарларда етакчи бош қахрамон ролларини С.Эшонтўраева ижро этган. Онахон (К.Яшин, «Номус ва муҳаббат»), Жамила (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Гулойим (Ҳ.Олимжон, «Муқанна»), Гули (И.Султон, Уйғун, «Алишер Навоий»), Хуррият (Уйғун, «Хуррият») ва бошқалар шулар жумласидан.

Театрда 2-жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллар «Ҳамза», «Жалолиддин Мангуберди», «Алишер Навоий» ва бошқалар, урушга жавобан «Фронт», «Ўлим босқинчиларга» каби спектакллар қўйилди.

1946-60 йиллар яратилган «Ҳаёт кўшиғи», «Оила номуси», «Айбсиз айбдорлар», «Юрак сирлари», «Қутлуғ қон», «Оғриқ тишлар», «Қароқчилар», «Ганг дарёсининг кизи», «Жазоир – менинг ватаним», «Юлий Цезарь», «Хуррият» сингари йирик спектаклларда театрнинг кекса, ўрта, шунингдек, ёш авлодга мансуб ижрочилари самарали натижаларга эришдилар. Режиссёрлардан А.Гинзбург, Т.Хўжаевларнинг театр равнақига хизматлари алоҳида бўлди.

1960-90 йиллар театр жамоасида авлод алмашинуви жадаллашди. Т.Хўжаевдан кейин А.Қобулов, И.Отабоев, Б.Йўлдошев, Р.Ҳамидов, Х.Аппонов, Х.Кўчқоров, С.Каприелов, Т.Исроилов, Л.Файзиевлар

режиссёр сифатида фаолият кўрсатдилар. Т.Азизов, П.Саидқосимов, О.Юнусов, Л.Юсупова, Р.Иброҳимова, О.Норбоева, Т.Жамилова, Д.Исмоилова, М.Иброҳимова, Г.Зокирова. Т.Тожиев, Л.Орипов, Л.Каримов, Р.Авазов, Ё.Аҳмедов, Э.Комилов, Л.Мўминов, С.Умаров, Ё.Саъдиев, Ж.Зокиров, М.Абдуқундузов, Ғ.Ҳожиев каби актёрлар театрнинг фаол ижодкорларига айландилар. Театр репертуаридан замон ва замондошлар қиёфаси ижтимоий ҳаёт иллатларидан баҳс юритувчи драма ва комедиялар — «Имон», «Кўрмайин босдим тиконни» (И.Султон), «Шубҳа», «Қотил», «Парвоз», «Парвона» (Уйғун), «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» (А.Қаҳҳор), «Тоға ва жиянлар» (Рамз Бобожон), «Олма гуллаганда» (О.Ёқубов), «Олтин девор» (Э.Воҳидов), «Комиссия», «Қиёмат қарз», «Шошма, қуёш», «Ўз аризасига кўра» (Ў.Умарбеков), «Ўғрини қароқчи урди» (Шукрулло), «Келинлар қўзғолони», «Куёв» (Саид Аҳмад) ва бошқалар сахнага қўйилди. Тарихий драма жанрида М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», И.Султоннинг «Номаълум киши» пьесалари мисолида туб сифат ўзгариши юз берди. Асарлар тарихий, фалсафий мавзуи айниқса, бадиий етуклиги билан режиссёр ва ижрочилар учун кенг имкониятлар берди. Кетма-кет шу жанрда «Зебуннисо», «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино» (Уйғун), «Нодирабегим» (Т.Тўла), «Юлдузли тунлар» (П.Қодиров) спектакллари қўйилди. Бу спектакллардаги актёрлар ижроси жамоа учун намуна мактаби бўлди. «Шоҳ Эдип», «Қирол Лир», «Мария Стюарт», «Ғариблар», «Ўлимдан кучли», «Тирик мурда», «Асрга татиғулик кун», «Ой тutilган тунда» каби мумтоз асарлар намуналари театр тарихида алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, театр фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй берди. Ижодий жамоа ҳар томонлама эркин иш юритиш, репертуар тузиш имкониятига эга бўлди. 2001 йил 21 сентябрдан театр

номи ўзгартирилиб, «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб атала бошланди. Жамоа замонавий мавзуда спектакль яратиш билан бирга буюк тарихий шахслар, қатағон қурбонларининг бадий тимсолини яратишга эътибор кучайтирди. Натижада У.Шекспир замондоши К.Марлонинг «Соҳибқирон Темур» драмаси ўзбек саҳнасида илк бор саҳналаштирилди, А.Ориповнинг «Соҳибқирон Темур» драмаси, У.Азимовнинг Чўлпон ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Кундузсиз кечалар» томошабинларга тақдим этилди. «Жар», «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома», «Сабъаи сайёр», «Алишер Навоий», «Абулфайзхон», «Меҳробдан чаён», «Чимилдик», «Қаллиқ ўйин», «Машраб», «Муҳаббат султони», «Дарахтлар тик туриб жон беради», «Ҳамлет», «Қирол Лир», «Етти фарёд» ва бошқалар сўнгги йиллар яратилган энг яхши спектакллардир. Ёқуб Аҳмедов, Рихси Иброҳимова, Эркин Комилов, Толиб Каримов, Саидкомил Умаров, Теша Мўминов, Зухра Ашурова, Жамшид Зокиров, Гавҳар Зокирова, Мадина Мухторова, Тоҳир Саидов, Учқун Тиллаев, Муқаддас Холиқова, Саида Раметова, Раъно Ярашева ва бошқалар театрнинг етакчи актёрларидир.

Театр биноси 2001 йилда замонавий талабларга жавоб берадиган қилиб қайта таъмирланди. Таъмирдан сўнг бино бутунлай янги қиёфага эга бўлди, замонавий техник муҳандислик асбоблари билан жиҳозланди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2014 йил 22 январь куни Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарорни имзолади.

Ҳужжатга кўра, театрнинг 100 йиллигини нишонлаш тақлифи Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика маънавият тарғибот маркази ва кенг жамоатчилик томонидан тушган. Қарор иловасига кўра тасдиқланган ташкилий қўмита бир ой муддат ичида театр 100 йиллигига муносиб

тайёргарлик кўриш ҳамда уни «юксак даражада ўтказиш» бўйича тадбирлар режасини тузиб чиқади.

Ушбу режада театр биносини капитал таъмирлаш, замонавий техник воситалар билан таъминлаш ва ҳудудини ободонлаштириш, театрга бағишланган китоб-альбомни чоп этиш ва театр ҳақида ҳужжатли фильм суратга олиш, ҳудудлардаги таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда театр фаолиятига бағишланган учрашувлар ўтказиш кабилар кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Президент Қарорига кўра, «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш, шунингдек, 2014 йилнинг сентябрида 100 йилликка бағишланган бадиий кеча ўтказиш тадбирлари ҳам ўрин олган.

Президент Қарори «Ўзбек Миллий академик драма театрининг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларини инобатга олиб» қабул қилинган. Шундай экан бу борада ахборот-кутубхона муассасаларининг вазифаси Ўзбек Миллий академик драма театри ҳақидаги адабиётларни ўрганиш ва фойдаланувчилар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати томонидан ўзбек ва рус тилларида «Миллий театр – эзгулик маскани» номли адабиётларнинг библиографик кўрсаткичи тайёрланди.

“Миллий театр – эзгулик маскани” номли кўрсаткичга Миллий театр ҳақидаги 1955 йилдан 2014 йилгача бўлган материаллар киритилди.

Кўрсаткич қуйидаги бўлимдан иборат:

1. Расмий ҳужжатлар
2. Китоблар
3. Диссертациялар
4. Универсал мазмундаги адабиётлар
5. Миллий театр фаолияти ва театр санъати
6. Миллий театрнинг актёр, режиссёр, rassом ва бошқа ижодкорлари
7. Миллий театрда спектакллар талқини
8. Миллий театр гастроллари
9. Миллий театр ва кўрик-фестиваллар
10. Театр юбилейлари ҳақида

Расмий ҳужжатлар бўлимида адабиётлар хронологик тартибда, қолган бўлимларда эса алифбо тартибида берилди. Кўрсаткичга материалларни йиғишда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондидан фойдаланилди. Адабиётларга маълумот аннотацияси берилган. Кўрсаткичдан фойдаланиш қулай бўлиши учун исмлар кўрсаткичи тузилди.

Адабиётларни йиғиш 2014 йил сентябрь ойида тугатилди.

Кўрсаткич миллий театр тарихи ва ижодий фаолияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша-санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Ўзбектеатр» бирлашмасини ташкил этиш билан боғлиқ ижодий, ташкилий, молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

3. Белгилаб кўйилсинки, «Ўзбектеатр» бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси, театр ташкилотлари ва ҳудудий бўлимларга эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланиб, мулкчилик шакллари ва қайси идорага тааллуқли эканидан қатъи назар, мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр-студиялари, халқ театрлари жамоалари ва бошқа тегишли ташкилотларни ихтиёрий равишда бирлаштиради.

4. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги инобатга олинсин:

театр ва театр-студиялар ижодий жамоаларини халқимизнинг бой маънавий дунёси, маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини мадҳ этувчи, истиқлолни улуғловчи ёрқин сахна асарлари яратишга йўналтириш, шунингдек, ватанпарварлик ғояларини миллий эстетик тамойилларни тарғиб қилишга қаратилган ташаббус ва ҳаракатларни рағбатлантириш;

ўзбек халқ томоша санъатлари (халқ анъанавий театри, майдон томошалари, байрамлар) соҳасидаги бой тарихий меросни чуқур ўрганиш, тадқиқотлар, ўқув қўлланмалари яратиш учун шарт-шароит туғдириш;

ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш, театрларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ашёлар билан таъминлаш;

театрлар жамоалари, режиссёрлар, драматурглар, бастакорлар, рассомлар ва балетмейстерларга долзарб мавзуларда буюртмалар бериш, республика ва халқаро миқёсда кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиш, хорижий мамлакатларга гастроллар уюштириш, илмий анжуман, симпозиум ва семинарлар ўтказиш, турли мукофот ва совринлар таъсис этиш;

иктидорли ёшларни излаб топиш ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига яқиндан ёрдам бериш;

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Камолот», «Умид», «Олтин мерос» ва бошқа жамғармалар ёрдамида ёш ижодкорлар санъатини тарғиб қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатимизда ва чет элларда таълим олиш ҳамда малака оширишларини уюштириш.

5. Миллий театр ва оммавий томоша санъатлари ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида «Театр» ойлик адабий-бадий, ахборот-реклама журнали нашр этилсин.

6. Театр санъати маънавият ва маърифатни юксалтиришнинг кудратли воситаларидан бири эканлигини назарда тутиб, жойларда бу санъат ривожини билан боғлиқ ишларни изчил амалга ошириш масъулияти Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан бир қаторда, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг зиммасига юклансин.

7. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бирлашманинг «Артмадад» номли махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклларида ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, турли муассасалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар жамғарма ҳаммуассислари бўлиши мумкин. Жамғарманинг таъсис мажлиси бир ой муддат ичида ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма Низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Артмадад» жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг ҳисоб рақамига эллик миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Тошкент шаҳар Ҳамза кўчаси 49, 51-уйларни таъмирласин ва уларга «Ўзбектеатр» бирлашмасининг марказий аппарати, унинг жамғармаси ҳамда Театр ижодкорлари уюшмасини жойлаштирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги биргаликда Тошкент давлат санъат институтининг драма, мусиқали театр, кўғирчоқ театри, кино, телерадио, сахна рассомлиги, санъат менежменти бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, ўқитиш услубини жаҳон андозалари даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Республика театр ташкилотларининг, айниқса, вилоятлардаги театр муассасаларининг малакали драматург ва режиссёрларга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий маълумотли, иқтидорли ёшлардан драматург ва режиссёрлар тайёрловчи икки йиллик олий курслар ташкил этилсин. Белгилаб қўйилсинки, ушбу курслар давлат буюртмаси ва шартнома асосида фаолият юритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига кирувчи театр ташкилотларининг бинолари қурилиши ва таъмирланиши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Тошкент давлат санъат институти ва унинг 400 ўринли ётоқхонаси янги биноларини лойиҳалаш ва қуриш учун тегишли маблағ ажратишни 1999-2000 йиллар режасига киритсин.

11. Театр ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат, Маданият ишлари

вазирликлари ҳамда «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр муассасаларининг ихтисослаштирилган тизимини, республика, вилоят, шаҳар, туман, халқ ва ҳаваскорлик ҳамда хусусий мақомлари ва ижодий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

Шу билан бирга, театр ташкилотларига қўшимча молиявий манбалар топиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида уларнинг гастроль-концерт ва шартномалар асосидаги бошқа хизмат фаолиятидан тушадиган маблағлари, ҳомийлик ва инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестицияларидан имтиёзли фойдаланиш ҳамда театр жамоасини рағбатлантириш тартибини белгилайдиган Низом икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

12. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр ижодий ходимларига квалификация бериш, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва бошқа мукофотларга тавсия этиш бўйича уларнинг, айниқса, ёшларнинг бутун фаолияти давомида касбий ва ижодий ўсиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олувчи Низом ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсинлар.

13. «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан ва божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг мамлакатимизда театр-томоша санъатларини, илмий-тадқиқот ва нашр ишларини янада ривожлантиришга, бирлашманинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилсин.

Театр санъати ривожига ҳомийларни жалб қилиш мақсадида уларнинг фойдадан тўлайдиган солиқ бўйича базаси «Ўзбектеатр» бирлашмаси, унинг таркибидаги муассасалар ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни қоплаш учун маблағ ажратсин.

15. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли қарор қабул қилсин.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Тошкент шаҳри 1998 йил 26 март ПФ-1980-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**«ЎЗБЕКТЕАТР» ИЖОДИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида» 1998 йил 26 мартдаги ПФ-1980-сон Фармони бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тўғрисидаги низом, унинг таркибига кирувчи муассасалар ва бадий жамоалар рўйхати, бирлашма дирекциясининг штат жадвали ва тузилмаси 1, 2, 3, 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасига:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий маълумотга эга бўлган иқтидорли ёшлардан драматурглар ва режиссёрлар тайёрлаш икки йиллик курсларини ташкил этиш юзасидан икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;

уч ой муддатда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимига кирувчи муассасалар ва бадий жамоаларнинг тузилмаси ҳамда низомларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Артмадад» жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

«Ўзбекистон Миллий театри», «Академик театр» мақомлари бериш ҳақидаги низомларни тайёрлаш ва уларни уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг мол-мулки бўйича вориси ҳисобланади;

уюшма учун қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари ҳамда уюшма аъзолари учун белгиланган имтиёзлар «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидаги Театр ижодкарлари уюшмаси аъзолари учун ҳам сақланиб қолади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни амалга ошириш масалалари ҳақида» 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорида белгиланган имтиёзлар «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш ҳамда унинг тасарруфига кирувчи муассасаларга жорий этилади;

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори бирлашма бошқарувининг раиси ҳисобланади;

(3-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 190-сонли қарори таҳририда)

Бош директор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг ўринбосарлари эса Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тайинланади.

(3-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 июлдаги 157-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 192-модда)

4. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журналининг штат жадвали ва тузилмаси 5, 6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Журнал таҳририяти «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий аппарати жойлашган Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 49-уйга жойлаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ярим йиллик ҳисоботи якунларига кўра «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига ўтган ташкилотлар асосий фондлари ва мулкларини ўз балансидан бирлашма балансига текин ўтказсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирувчи театр ташкилотлари ва муассасаларини маблағ билан таъминлаш тартибини сақлаб қолсин;

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий аппарати ва «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали фаолияти билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун маблағ ажратсин;

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий аппарати ҳамда «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали таҳририятига хизмат кўрсатиш учун иккита енгил автомобилга лимит ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги театр ташкилотларининг биноларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1999-2000 йилларда маблағ ажратишни режалаштирсинлар.

8. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси учун ажратилган лимитга мувофиқ транспорт хизмати кўрсатишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали, илмий-тадқиқот, реклама ва бошқа нашрларини чоп этишда ёрдам кўрсатсин.

10. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси учун шаҳар ва ҳукумат телефон алоқаларини белгиланган тартибда ўрнатишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилотларининг ижодий имкониятларидан самарали фойдаланиш, миллий театр ютуқларини кенг тарғиб этишга йўналтирилган ўзаро гастроль алмашувларини ташкил этиш учун бевосита амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри 1998 йил 22 май 223-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА «МИЛЛИЙ ТЕАТР» МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аجدодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъатининг ролини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақоми берилсин ва у «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб аталсин.

2. Қуйидагилар Ўзбек Миллий академик драма театрининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

– буюк маънавий меросимиз, бетакрор қадриятларимиз, Ўзбек Миллий театри анъаналарини изчил давом эттириш, уларни янги давр талаблари асосида бойитиб бориш ва ривожлантириш, бу соҳадаги илғор услубларни миллий руҳ билан уйғунлаштирган ҳолда театр санъатига татбиқ этиш;

– миллий истиқлол ғояларига ҳамоҳанг, бадиий жиҳатдан юксак, халқчил сахна асарлари яратиш асосида Ўзбек Миллий театр санъати тараққиётига ҳисса қўшиш;

– халқимиз, аввало ёшларимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат, гуманизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

– истеъдодли санъаткорлар, ёш актёрлар, драматург ва режиссёрлар, сахна санъати мутахассисларининг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун ўзига хос ижодий мактаб бўлиб хизмат қилиш;

– мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш, жаҳоннинг илғор ва нуфузли театрлари билан ижодий мулоқот ва амалий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, халқаро фестивалларда ўзбек театри ютуқларини муносиб равишда намойиш этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбек Миллий академик драма театрининг Низомини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бир ой муддатда Ўзбек Миллий академик драма театри ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

И. КАРИМОВ

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Тошкент шаҳри 2001 йил 21 сентябрь ПФ-2942-сон**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек Миллий академик драма театрининг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларини инобатга олиб ҳамда ташкил этилганининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва кенг жамоатчиликнинг Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда мазкур санага муносиб тайёргарлик кўриш ҳамда уни юксак даражада ўтказиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

- Ўзбек Миллий академик драма театри биносини капитал таъмирлаш, замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш ҳамда худудини ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– “Ўзбек Миллий академик драма театри” китоб-альбомини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

– Ўзбек Миллий академик драма театри ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

– “Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш;

– Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда театр фаолиятига бағишланган учрашувлар ташкил этиш;

– 2014 йилнинг сентябрь ойида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида мамлакатимиз театрлари вакиллари ва фахрийлари, маданият ва санъат намояндалари, кенг жамоатчилик иштирокида ушбу санага бағишланган бадиий кеча ўтказиш тадбирлари белгилансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 январь

МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗ – ИФТИХОРИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2001 ЙИЛ 30 АВГУСТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЯНГИ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Мухтарам санъаткорлар!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, барчангизни бугунги унутилмас кун – азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ушбу ажойиб санъат саройи – Ўзбек давлат академик драма театримизнинг янги биноси очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли биродарлар!

Бугун юртимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам арафасида мана шу бетакрор, мухташам, замонавий театр кошонаси санъат мухлислари учун ўз эшикларини очаётгани ғоят қувончлидир.

Бундай гўзал саройнинг тақдимот маросимида иштирок этишнинг ўзи ҳар қандай одамни ҳам қувонтириб, унинг кўнглига хуш кайфият, ёруғлик бағишлайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга кўшиласиз. Ўзингиз биласиз, Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг кўп-кўп халқаро миқёсдаги катта анжуманларда, маҳобати билан кўзни камаштирадиган саройларда, императорлар, қирол ва подшоҳларнинг қасрларида, бугунги замоннинг энг чиройли, бой ва ҳашаматли биноларида бўлишимга, у жойларда нутқ сўзлашимга, мулоқотларда иштирок этишимга тўғри келади.

Лекин мен мана шу дақиқаларда қалбимдан бир ҳаяжон кечираётганимни сизларга очиқ айтишим керак.

Бу ҳаяжоннинг сабаби шундаки, ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлган мана шу академик театримиз сахнасида Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Ҳўжаев, Александр Гинзбург, Гани Аъзамов сингари не-не буюк санъат намояндаларининг қутлуғ излари қолган, овозлари янграган, уларнинг ўлмас руҳи бугун ҳам шу даргоҳда кезиб юрибди.

Неча йиллар давомида ўзининг беқиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетакрор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз мухлисларини, балки дунёдаги манаман деган театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаъб театршунос ва мутахассисларини ҳам ҳайратда қолдиргани маълум.

Ўзбек театрининг номини бутун дунёга танитган бундай ижодкорлар ҳар қайси халқ ва давлатнинг фахру ифтихори бўлишга муносиб эканини бугун вақтнинг ўзи исботлаб бермоқда, десам, бу ҳам айна ҳақиқат бўлади.

Бу тарихий сахнада Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ сиймолар Ватанга садоқат, эзгулик ва адолат, маърифат ва нафосат сингари олижаноб фазилатлардан, мухтасар қилиб айтганда, инсонийлик илмидан минглаб томошабинларга, бугун халқимизга сабоқ берганини миннатдорчилик билан эслаймиз.

Ишқ-муҳаббат, ҳалоллик, дўстлик, одамийлик каби юксак туйғулар ифода этилган, замон ва инсон муаммолари ҳақида баҳс юритадиган, ҳали-ҳануз томошабинлар хотирасидан ўчмай келаётган ўнлаб сахна асарлари ҳам мана шу театримиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, одамларнинг қалбига беқиёс таъсир ўтказиб, уларни мудом эзгулик ва олижанобликка чорлаб келаётган академик театримиз маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айланиб қолган, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз ўзлигимизни англаш йўлида ўтмишимизнинг ноёб ва илгари номаълум бўлган саҳифаларини очаётган ҳозирги шароитда театр санъатимиз тарихидаги баъзи нуқталарнинг асл моҳияти намоён бўлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан қараганда, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори каби маърифатпарвар зиёлиларимиз ташаббуси билан ташкил этилган ўзбек театр труппаси 1914 йил 27 февраль куни Тошкент шаҳрида, ҳозирги Биржа маркази ўрнида жойлашган “Колизей” биносида “Падаркуш” спектаклини намойиш этган – бу Туркистон заминида профессионал театр талабларига жавоб берадиган биринчи миллий саҳна асари бўлганини айтиб ўтиш ўринли, деб биламан.

X аср бошида, мустамлакачилик зулмига қарамай, халқимиз янги уфқларга – миллий уйғониш ва эркинлик сари интилиб яшаган бир даврда буюк аждодларимиз – жадидлар томонидан амалга оширилган бу улкан иш, бу ҳаракатни ўзига хос маъкавий жасорат намунаси, деб аташ мумкин.

Бугун, Ватанимиз, юртимиз XXI асрга қадам қўйиб, ўзининг буюк келажаги сари интилаётган, бу йўлдаги барча ҳаракатларимиз иймон-этиқод туйғуси билан йўғрилиб, кучайиб бораётган бир пайтда, ўз тарихий илдизларимизни, шу жумладан, санъатимиз, миллий театримиз тарихини чуқур англаш, ундан сабоқ олиш ҳақида гапиришимиз ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Азиз юртдошларим!

Шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади – бу жойда илгари “Ватан” деган кинотеатр бўларди. Кейинчалик шу бино театр учун наридан бери мослаштириб берилган эди. Ҳар гал Навоий кўчасидан ўтганимда ушбу театрни кўриб, бу даргоҳда не-не буюк санъаткорлар, уларнинг истеъдодли давомчилари ижод қилса-ю, у ана шундай юксак бадиий салоҳиятга муносиб бинога эга бўлмаса, деган савол кўпчилик қатори менинг ҳам кўнглимдан кечар эди.

Чунки сахна санъатининг одамларга нафақат завқ-шавқ бахш этиши, айни вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши – бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Театрнинг маданий ҳаётимиздаги улкан вазифаси тўғрисида, унинг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмаслиги ҳақида, умуман, театрни улуғлаш, унинг таъсир кучи ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин бу борада битта муҳим масала борки, у ҳам бўлса, театр ўзининг шу вазифасини адо этиши учун, инсоннинг қалбига, онгу тафаккурига таъсир ўтказиб, уни эзгу фазилатлар сари чорлаши учун театр ва унинг жамоасига, санъат фидойиларига керакли шарт-шароит яратиб бериш зарурлигини гоҳо унутиб қўямиз.

Умуман, бу муаммолардан узоқ бўлиш, бу масалада масъулиятни бўйнига олмасликка уриниш ҳолатлари ҳар қадамда учраб туради.

Таъбир жоиз бўлса, шуни таъкидлаш зарурки, ҳаммамиз театр томошаларини яхши кўрамиз, аммо бундай таъсирчан сахна асарлари нечоғли машаққатли ва оғир меҳнат эвазига дунёга келиши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Кўпчилик эсласа керак, шўро даврида бир номақбул одат бор эди. Бирон завод ёки фабрика барпо этилса, ишлаб чиқариш корхонаси

қурилса, унинг атрофида барча катта-кичик мутасаддилар парвона бўлиб юрар, ҳар ким ўзини кўрсатиб қолишга уринар эди.

Лекин маданият ва маънавият ўчоқларини, санъат масканларини қуриш ҳеч кимнинг хаёлига келмас, бунга худдики даромад бермайдиган бефойда бир иш, иккинчи даражали масала, деб қаралар эди.

Бирон-бир маданият биноси қурилишини амалга ошириш учун эса бир қанча давлат идораларидан ўтишга, агар унга сарфланадиган маблағ маълум бир миқдордан ошадиган бўлса, Москвадаги қанча-қанча кабинетларда овора бўлишга тўғри келарди.

Театр, санъат уйлари каби масканлар халққа маънавий озиқ бериши, маданий савиясини ошириши, унинг юрагига малҳам бўлиши – бу масалалар уларни қизиқтирмасди. Чунки халқнинг маданияти, онгу тафаккури қанчалик паст бўлса, уни бўйсундириш, бамисоли бўйнига калта арқон боғлаб етаклаш шунча осон бўлишини эски мафкура доҳийлари яхши биларди.

Бу – кечаги ҳастимизнинг аччиқ ҳақиқати.

Минг афсуски, бундай эски тузум асоратлари бугунги кунда ҳам тажрибамизда учраб туради.

Агар биз театр ҳаётининг ичига кириб, ўзимизни лоақал бирор марта театр раҳбарлари ўрнига қўйиб кўрсак, бу ижодий жамоанинг катта-кичик турли муаммоларини ечиш нечоғли қийин эканини тасаввур этган бўлар эдик.

Модомики, шундай экан, барчамиз бир ҳақиқатни тўғри англаб олишимиз керак.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, ҳар қандай бадиий салоҳиятнинг намоён бўлиши, ижодкорнинг том маънодаги санъаткор бўлиб шаклланиши, Оллоҳ таоло ато этган ноёб истеъдодини рўёбга чиқариши, халққа танилиши учун аввало шарт-шароит, имконият зарур.

Шунинг учун ҳам, бугун мана шундай муаззам санъат кошонасини сизларга тақдим этишимизни, элу юрт олқиши, меҳрини қозонган сиз, азиз санъаткорларга бўлган бундай эътиборимизни табиий бир ҳол, деб қабул қилишингизни истардим.

Биламан, одатда бундай маросимларда, тантана ўтгач эса, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда эски замондан қолган, бир қолидаги гаплар такрорланиши мумкин.

Яъни, бу санъат кошонасини Президентнинг, давлатнинг, мамлакатнинг, ҳукуматнинг, Маданият ишлари вазирлигининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг, керак бўлса, мана шу Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг, балки яна бир қанча катта-кичик раҳбарларнинг саҳийлиги, ғамхўрлиги сифатида таърифланишини кутишимиз мумкин.

Лекин, бу борада мен шуни айтмоқчиманки, бу театр биносини бунёд қилганимиз ўзбек маданиятининг истеъдодли намояндалари бўлмиш сизларнинг олдингизда, қолаверса, сизнинг тимсолингизда бугунги ёруғ кунларга етиб келолмаган буюк санъаткорларимизнинг руҳи олдида биз ўз қарзимизни, ўз бурчимизни адо этганимиз ифодаси, холос.

Муҳтарам санъат арбоблари!

Бугун мана шу нафосат саройида сиз, азизлар билан бир тақлиф ҳақида маслаҳат қилмоқчиман: миллий руҳ ва замонавий қиёфада қайта тикланган ушбу театримизни бундан буён Ўзбекистон миллий академик драма театри деб атасак, нима дейсизлар?

Ўйлайманки, бундай юксак ва шарафли ном бу кошонага бамисоли узукка кўз қўйгандек ярашади, санъат намояндаларини янги илҳом ва масъулият билан ижод қилишга, миллий истиклол ғоялари руҳидаги бадиий баркамол асарлар яратишга, замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин образларини юксак даражада талқин этишга руҳлантиради.

Мен миллий театаримиз сахнасида сизлар яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари, бутун халқимиз ҳайрат ва ҳаяжон, завқу шавқ билан томоша қилишини, улар ҳаёт йўлларида дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишини истайман.

Сизлар ўзбек театр санъатимизнинг энг яхши анъаналарини асраб-авайлаб, ривожлантириб, келажак авлодларига етказасиз, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи етук асарларингиз билан халқимиз маданиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Барчангизга тилагим шуки, сизлар сахнада бетакрор образлар яратиб, халқимиз меҳрига сазовор бўлишдан чарчаманг, бизга эса ажойиб маҳоратингизга қойил қолиб, санъатингизни олқишлаб, сизларга мана шундай ҳурмат-эҳтиром: иззат-икром кўрсатиб юриш насиб этаверсин.

Ҳаёт ҳақида, инсон умрининг маъно-мазмунини ҳақида театр ихлосмандлари билан қизгин ва жонли мулоқотингиз давом этадиган, юртимиз, миллатимиз довуғини тараннум қиладиган бу муаззам ижод маскани аввало сизларга, барча санъаткорларимизга буюрсин, эзгулик ва гўзалликни юксак кадрлайдиган томошабинларга, бутун халқимизга муборак бўлсин.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу маданият қасрини бунёд этган қўли гул қурувчиларимизга, меъмору муҳандисларимизга, бу олижаноб ишда қатнашган барча юртдошларимизга ўз номидан, бугун санъат мухлислари номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мана шу унутилмас дақиқаларда барчангизни Ватанимиз истиқлолининг 10 йиллик қутлуғ тўйи билан яна бир бор табриклайман.

Сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сихат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман. Илҳомингиз, истеъдодингиз янада зиёда бўлсин, ҳамиша мухлисларингиз, халқимиз ардоғида бўлинг.

Эътиборингиз учун ташаккур.

* * *

1. Муҳаммаджонов Зокирни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 й. 25 авг. Фармони // Халқ сўзи. – 1994. – 26 авг.
2. Муҳаммаджонов Зокирни “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлаш тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 27 авг. Фармони // Халқ сўзи. – 1998. – 27 авг.
3. Театрнинг янги қиёфаси : [Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театрининг янгитдан таъмирланаётганлиги сабабли таъмир ишлари билан танишиш мақсадида ЎзР Президенти И. Каримов театр биносига ташриф буюргани ҳақида] // Халқ сўзи. – 2000. – 21 дек.; Ватанпарвар. – 2000. – 21 дек.; Ўзбекистон овози. – 21 дек.
4. Каримов И.А. Миллий театримиз – ифтихоримиз : Президентнинг Тошкент шаҳрида Ўзбек Миллий академик драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи, 2001 й. 30 авг. // Халқ сўзи. – 2001. – 31 авг.
5. Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 53–59; Ишонч. – 2001. – 31 авг.; Тошкент оқшоми. – 2001. – 31 авг.; Халқ сўзи. – 2001. – 31 авг., Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2001. – 31 авг.; Ватанпарвар. – 1 сент.; Театр. – 2001. – № 5. – Б. 1–4.
6. Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида : Ўзбекистон Республикасининг Президенти 1998 й. 26 март ПФ-1980-сон Фармони //

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 4. – Б. 5–9.

7. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 21 сент. Фармони // Театр. – 2001. – № 6. – Б. 1.

8. Муҳаммаджонов Зокир (Зикир Муҳаммаджонов)ни “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони бериш тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 й. 5 авг. Фармони // Халқ сўзи. – 2003. – 26 авг.

9. Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 й. 22 янв. Қарори // Халқ сўзи. – 2014. – 23 янв.

Китоблар

10. Раҳмонов М.Р. ва бошқ. Ўзбек Миллий академик драма театри тарихи: Китоб 2: (1960-2000 йй.) / М.Р.Раҳмонов, М.Т.Тўлахўжаева, И.А.Мухторов; М.Р.Раҳмонов умумий таҳрири остида; Ўзбекистон Бадиий академик санъатшунослик илм.-тадқиқот ин-ти. – Тошкент, 2003. – 266 б.

11. Шокиров Ў., Абдуқундузов М. Миллий театримиз намояндалари: мўъжаз ижодий чизгилар: К.1 / ЎзР Маданият ишлар вазирлиги, Театр ижодкорлари уюшмаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. – 304 б.

* * *

12. Абдусаматов Ҳ. Саҳна сардори: [халқ артисти, давлат мукофотлари совриндори Зикир Муҳаммаджонов] / Ўзбекистон Респ. Маданият

ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Респ. ФА А.Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи. – Тошкент : Шарқ, 2003. – 254 б.

13. Азизов Т. Менинг режиссёрлик ишларим = Мои режиссёрские работы. – Тошкент : Akademnashr, 2011. – 270 б.

14. Истиқлол ва миллий театр: тўплам / Илмий мух. М.Х.Қодиров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 236 б.

15. Муҳаммаджонов З. Қалбдаги ўчмас излар : Хотиралар. – Тошкент : Sharq, 2014. – 504 б.

16. Раҳимжонов И.И. Абдулла Қаҳҳор ва Ҳамза театри. – Тошкент : Ўзбекистон нашриёти, 1971. – 38 б.

17. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти: Мақолалар, пьеса. – Тошкент : Маънавият, 2000. – 174 б.

18. Саъдиева З. Себзорлик йигит: [Ўзбекистон халқ артисти Ё.Саъдиев] . – Тошкент : Шарқ, 2001. – 30 б.

19. Турсунов Т. Турғун Азизов / Ўзбекистон Респ. маданият ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат ин-ти, “Артмадад” махсус жамғармаси. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2004. – 104 б.

20. Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек давлат академик драма театри : [Ижодий йўл ҳақида очерклар. 35 йиллик юбилейига]. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1957. – 240 б.

Диссертациялар

21. Аҳмедов С. Матбуот ва театр / 1917-1927 йиллар янги Ўзбек Миллий театрининг шаклланиш манбалари: К.04.990005001: дис. ...

санъатшунослик фанлари номзоди / Ўзб. бадиий академик санъатшунослик илмий тадқиқот ин-ти. – Тошкент, 1998. – 173 б.

22. Умаров Э. Театрда бадиий образ яратишнинг асосий эстетик принциплари (Ўзбек Миллий театри санъати мисолида): Д.05.950002852: дис. ... фалсафа фан. д-ри / Тошкент давлат техника университети. – Ташкент, 1995. – 284 б.

Универсал мазмундаги адабиётлар

23. Ўзбек Миллий академик драма театри // Тошкент : Энциклопедия / Бош таҳрир хайъати А.Акромов, Б.Ш.Алимов, М.Н.Аминов ва бошқ. – Тошкент : “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 689–690.

24. Ўзбек Миллий академик драма театри // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ–Қизилқум / Таҳрир хайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ. – Тошкент : “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 430-432.

25. Ҳамза номидаги театр // Тошкент : Энциклопедия / Таҳрир хайъати Бош муҳаррир Н.Тўқлиев, Масъул муҳаррир М.Аминов. – Тошкент : Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б. 463–464.

Миллий театр фаолияти ва театр санъати

26. Абдуллаев А. Халқ хизматидамиз : [Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театрининг фаолияти ҳақида] // Ўзбекистон маданияти. – 1963. – 11 сент.

27. Абдурасулов Ш. Замондош сиймосига чизгилар : [Ўзбек Миллий театри ҳақида] // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – 2014. – 28 март.

28. Абдукундузов М. Миллий театр : Тараққиёт омиллари : [ҳақида] // Театр. – 2000. – № 1. – Б. 3–6.
29. Азизов Т. Анъана ва ижодий изланишлар : [Ўзбек Миллий академик драма театрининг фаолияти] // Театр. – 2003. – № 1. – Б. 14–15.
30. Аҳмад Сирожиддин. Асосли таклиф : [Ҳамза театрининг 1914 йил 27 февралда ташкил этилиши хусусида] // Халқ сўзи. – 1998. – 23 дек.
31. Аҳмедов Ё. Анъаналар давом этмоқда : [Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг бош директори ушбу театрнинг 78-мавсуми очилиши ҳақида] // Тошкент оқшоми. – 1995. – 18 сент.
32. Аҳмедов Ё. “Вақт – энг одил ҳакам” : [Ўзбек давлат академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти билан суҳбат] / М.Аҳмаджонова суҳбатлашди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2002. – 27 сент.
33. Аҳмедов Ё. Камалакнинг саккизинчи ранги : [Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри директори Ёқуб Аҳмедов билан суҳбат] / Суҳбатдош З. Эралиева // Тошкент ҳақиқати. – 1993. – 23 окт.
34. Аҳмедов Ё. Миллий театр: анъаналар ва янги давр : [Ўзбекистон халқ артисти, театр директори билан Ёқуб Аҳмедов билан суҳбат / Суҳбатдош С.Турғунжон қизи] // Театр. – 2004. – № 1. – Б. 2–3.
